

**ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ФИДОЙИЛИК
БИЛАН ҲИССА ҚЎШГАН ОЛИМ
(ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ПРОФЕССОР А.Н.РЎЗИЕВ
ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН)**

Чориев Абдиқайим Қодирович - Термиз Давлат университети география кафедраси катта ўқитувчиси.

Нориева Севинч Акбар қизи - Термиз Давлат Университети талабаси

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистон география фани тараққиётига катта ҳисса қўшган олим, география фанлари доктори, профессор Абдимўмин Нормуродович Рўзиевнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ёритилган. Олимнинг илмий мероси, монография ва мақолалари, педагогик фаолияти ҳамда шогирдлар тайёрлашдаги хизматлари таҳлил қилинади. Шунингдек, Рўзиев томонидан география кафедрасининг ташкил этилиши, ўқув қўлланмаларининг яратилиши ва илмий мактаб шаклланишидаги роли кўрсатиб ўтилган. Мақолада олимнинг фидокорона меҳнати ва Ватан равнақига қўшган беқиёс ҳиссаси умумлаштирилган ҳолда кўрсатилган. Унинг шахси Юксак илм фидоийси сифатида баҳоланади.*

Калит сўзлар: *Абдимўмин Рўзиев, профессор, Шўрчи, Сайрак, иқтисодий география, илмий мерос, педагогика, география кафедраси, илмий мактаб.*

Аннотация. В статье освещены жизнь и научная деятельность выдающегося учёного, внесшего значительный вклад в развитие географической науки Узбекистана — доктора географических наук, профессора Абдимумина Нормуродовича Рузиева. Рассматриваются его научное наследие, монографии, статьи, педагогическая деятельность и заслуги в подготовке молодых специалистов. Отмечается роль профессора Рузиева в организации кафедры географии, создании учебных пособий и формировании научной школы. В обобщённом виде показан его самоотверженный труд и неоценимый вклад в развитие Родины. Личность учёного представлена как истинный подвижник высокой науки.

Ключевые слова: Абдимумин Рузиев, профессор, Шурчи, Сайрак, экономическая география, научное наследие, педагогика, кафедра географии, научная школа.

The Scholar Devoted to the Advancement of Science and Society

(Dedicated to the memory of Doctor of Geographical Sciences, Professor A.N. Ruziev)

Choriev Abdikayim Qodirovich — Senior Lecturer, Department of Geography, Termez State University.

Norieva Sevinch Akbar qizi — Student, Termez State University.

Abstract. This article highlights the life and scientific activity of Abdimumin Normurodovich Ruziev, Doctor of Geographical Sciences and Professor, who made a significant contribution to the development of geography in Uzbekistan. The article analyzes his scientific legacy, monographs, articles, pedagogical work, and his contribution to the training of young specialists. It also emphasizes Ruziev's role in establishing the Department of Geography, creating educational manuals, and forming a scientific school. The author summarizes his devoted work and invaluable contribution to the progress of the Motherland, portraying him as a devotee of great science.

Keywords: Abdimumin Ruziev, professor, Shurchi, Sayrak, economic geography, scientific heritage, pedagogy, Department of Geography, scientific school.

Кирриш: Республикамизда таниқли бўлган иқтисодий географ олим, география фанлари доктори, профессор Абдимўмин Рўзиев 1936-йил 18-июлда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Сайрак қишлоғда хизматчи оиласида туғилган.

Абдимўмин Рўзиев 1955-1960 йилларда Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) таҳсил олди. У 1960-йилда университетнинг иқтисодий география бўлимини муваффақиятли тамомлади ва ишлаш учун география факультетининг илмий-тадқиқот

бўлимига йўлланма олди. Абдимўмин Рўзиев 1978-йилдан бошлаб ўз фаолиятини Термиз давлат педагогика институтида (ҳозирги Термиз давлат университети) давом эттирди. Устоз 1978-йилдан 1986-йилгача дотсент, илмий ишлар бўйича проректор (1980-1983), география кафедраси мудир, профессор (1987-1993, 1996-2001), иқтисод- география факултетининг декани (1993-1996) лавозимларида ишлаб келган.

Профессор Абдимўмин Рўзиев иқтисодий география фанининг жонкуяр тарғиботчиси ҳам эди. Жумладан домланинг сайи ҳаракатлари билан география кафедраси ва география бўлими очилган. Сўнгра 1990-йилдан 2004-йилга қадар ТерДУ география кафедраси негизда география фанидан Ўзбекистон Республикаси талабалар олимпиадаси узлуксиз равишда ўтказилиб келинди.

География фанлари доктори, профессор А.Рўзиев 2001-йил 31-октябрда айна илмий ижод комиллиги чўққисига етган бир пайтда оламдан кўз юмган. Унинг илмий меъроси ва ёрқин инсоний хотираси ҳамиша яқинлари, шогирдлари, дўсту-ҳамкасбларининг хотираларида абадий сақланиб қолади.

Асосий қисм: Профессор Абдимўмин Нормуродович Рўзиев Сурхон-Шеробод водийси қишлоқ хўжалиги ривожланиши, ихтисослашуви, тармоқ ва ҳудудий таркиби, Ўзбекистонда агросаноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий тизимлари шаклланиши ва уларни такомиллаштириш масалалари, Жанубий Ўзбекистон иқтиодиётини комплекс ривожлантириш ва оқилона ҳудудий ташкил этиш муаммоларни ўзининг кўп йиллик илмий фаолияти мобайнида ҳар томонлама чуқур ўрганишга катта ҳисса қўшган.

Абдимўмин Рўзиев илмий фаолиятини қишлоқ хўжалиги географияси йўналишидан бошлаган. У собиқ иттфоқ Фанлар академияси география бўлимида лаборант ва кичик илмий ходим сифатида ишлаган даврида етук олимлардан – А.Н.Ракитников, К.И.Иванов, З.М.Акрамов каби олимлардан маслаҳат олган. Рўзиев илк номзодлик диссертациясини „Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигининг жойлашиши ва ривожланиши номли мавзуда ҳимоя қилган ва бу мавзу

бўйича экспедитсиялар ва илмий тадқиқотлар олиб борган. Кейинчалик унинг илмий изланишлари кенгайиб, ҳудудий геосистемалар, агросаноат комплекслари территориал ташкилотлари ва ҳудудлараро иқтисодий-географик алоқалар каби мавзуларга қаратилган. 1987-йилда „Собик Ўзбекистон ССР агросаноат комплексида территориал системалар ва уларни такомиллаштириш йўллари“ мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. География фанлари доктори, профессор А.Н.Рўзиевнинг ташаббуси билан 1971-йилда Ўзбекистон география жамиятининг Қарши бўлими, 1989-йилда эса Термиз бўлими очилди. Профессор А.Н.Рўзиев мазкур бўлимларнинг биринчи раиси ҳамда кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон география жамиятининг илмий кенгашининг аъзоси бўлган. Шунингдек Абдумўмин Рўзиев жаҳон географлари XXIII Конгресси, Собик Бутун иттифоқ география жамиятининг VI (Тбилиси), VII (Фрунзе), IX (Қозон) сездлари, Ўзбекистон география жамиятининг қатор сездларининг фаол қатнашувчиси бўлган.

Устоз Абдимўмин Рўзиев ўзларининг кўп йиллик меҳнат фаолиятлари давомида самарали меҳнат фаолиятини олиб бориб, 400 га яқин илмий ишларни чоп эттирганликлари, улардан 20 дан ортиғи монография ва илмий рисоалар, 10 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган. Унинг монография ва китоблари орасида „Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асослариъ”(1990), „Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти, „Сурхондарё вилояти”(1996), „Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари”(1997), „Марказий Осиё давларлари иқтисодий ва ижтимоий географияси”(2000) ва „Ўзбекистон иқтисодий географиясиъ”(2001) каби номлар тилга олинган. Ушбу асарлар ўқув ва илмий доираларда кенг тарқалган бўлиб, география йўналишида таълим олувчилар ва илмий тадқиқотчилар учун муҳим манба ҳисобланади. Рўзиевнинг айрим илмий мақолалари хорижий тилларга таржима қилинган, кенг география жамоатчилигининг таҳсинига сазовор бўлган, режалаштириш ташкилотлари томонидан инобатга олинган. Жумладан, унинг Катта Совет

энциклопедияси (3-нашри)нинг 25-жилдида чоп қилинган „Сурхондарё вилояти“ мақоласи инглиз, франсуз, немис ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган.

Хулоса: Абдимўмин Нормуродович Рўзиев ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини география фанини ривожлантириш юртимиз табиатини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни келажак авлодларга етказишга бағишлаган буюк олимдир. У нафақат самарали илмий тадқиқотлари, балки кўплаб шогирдлар тарбиялаши, дарслик ва қўлланмалари, ташкилотчилик фаолияти билан ҳам илм-фан ривожига ўчмас из қолдирди. Рўзиевнинг илмий мероси бугун ҳам долзарб бўлиб Ўзбекистон география фанининг мустақамланишида муҳим манба вазифасини ўтамоқда. Шу боис, Абдимўмин Рўзиев шахсияти ва фаолиятини „Юксак илм фахрийсиъ деб аташ бежиз эмас. У ўзининг илмий изланишлари, фидокорона меҳнати ва Ватанга садоқати билан ёш авлод учун ибрат мактабини яратиб кетди. Унинг ҳаёти ва фаолияти бизни илмга муҳаббат, меҳнатга садоқат ва Ватан равнақи йўлида фидойиликка чорлайди.

Вақт оқар дарё эканлигини барчамиз яхши биламиз. У хотираларимизнинг хиралашишига, баъзи воқеаларнинг ёдимиздан кўтарилишига сабабчи бўлади. Лекин қалбга яқин бўлган инсонлар хотираси даврлар ўтиши билан ҳам ўзгармайди. Устознинг босиб ўтган илмий педагогик фаолияти ва география фанидаги эришган ютуқлари ёш авлодга таълим-тарбия беришда ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Илоҳим, устознинг жойлари жаннат, руҳлари шод ва оҳиратлари обод бўлсин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Федорко В.Н.,Қурбонов Ш.Б., Тўраев.Қ.Т.Абдимўмин Рўзиев (1936-2001) Библиографик маълумотнома. Тошкент. Ишончли ҳамкор, 2022-204 бет.
2. Абдуназаров Ҳ.,Умарова М. Сурхондарё географияси. Термиз, 2023, 175 б.
- 3.Рўзиев А.Н. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш асослари-Тошкент.Ўқитувчи.1978. 2,5 Б.т

4.Рўзиев А.Н. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва фан техника тараққиёти -Тошкент.Ўзбекистон.1982. 9,0 Б.т